



Адабий матн тадқиқи
масалалари

Тошкент

2009

МУНДАРИЖА

МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТН МАСАЛАЛАРИ		
Д. Ҳамросева	Араб алифбосидаги матнларни ўрганиш билан боғлиқ айрим муаммолар.....	4
Г. Таниева	Маҳаллий манбалардан Бухоро амирлиги аҳолиси ҳақида маълумот олишга доир.....	7
Д. Атаджанова	«Рисола» как руководство по духовно-религиозной жизни ремесленников.....	9
О. Жўрабоев	Низомий Хўқандий ва XIX аср ирфоний шеърят матни билан боғлиқ бир жиҳат хусусида.....	13
С. Умарова	Суйима Ганиеванинг илмий фаолиятига доир.....	17
Ж. Жўраев	“Жалолитдин Мангуберди” драмасининг мукамал матнини тиклаш йўлида.....	19

АДАБИЙ ТАҲЛИЛ

Ж. Маҳмудов	Ҳожа Аҳрор Валий ва Пурёрвалий.....	23
М. Ҳошимхонов	Машрабнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари.....	27
З. Амонова	Хуруфийлик билан боғлиқ бир шеър таҳлили борасида....	28
А. Муҳаммадиев	Муҳйи шеърятига адабий таъсир масаласи.....	31
Н. Холиқова	«Салом айтинг» шеърига оид айрим мулоҳазалар.....	34
С. Тўлаганова	Тагор ва Чўлпон.....	36
Б. Бўронова	Шукур Холмирзаев ҳикояларида диалогларнинг услубий қўлланиши.....	39
Г. Сатторова	Эркин Аъзам ҳикояларида ипсон руҳияти талқини.....	41
Р. Муллаҳўжаева	Шавкат Раҳмон шеърятига ижтимоий оҳанглар.....	44
Д. Холиқова	Усмон Азим шеърятига халқ дostonлари мотиви.....	47
Г. Саидганиева	Ҳозирги адабий жараёнда иккилик жанр табиати ва унинг поэтик образ яратилишидаги ўрни.....	49
З. Мирзаева	Бадиий асарлардаги ёрдамчи образлар моҳияти хусусида	52
С. Курбонова	Публицист мақоласида факт ва ҳужжатлилиқ.....	56
М. Кўчқорова	Марина Цветаева ва Пушкин (М.Цветаеванинг “Менинг Пушкиним” эссеси мисолида).....	59

ТИЛ ТАРИХИ ВА ТАҲЛИЛИ МАСАЛАЛАРИ

Д. Ўринбоева	Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари тилининг лингвостатистик тадқиқи.....	63
Н. Умарова	Навий шеърятига мақол ва ибораларнинг услубий хусусиятлари.....	66
Ҳ. Дўсматов	Аския матнининг ўрганилишига доир.....	69
З. Махатова	Айрим субъектив баҳо шакллариининг сўз таркибидаги ўрни ва услубий хусусиятлари.....	73
М. Сулаймонов	Дастхат матнларида мурожаат шакллариининг қўлланишига доир.....	76
Я. Азизов	Трансформация – тилдаги ўзгаришларни ўрганувчи асосий метод мажмуи.....	79
С. Боймирзаева	Матннинг категориал белгилари.....	84

Қ. Қодиров	Абдурауф Фитратнинг ўзбек тили морфологияси бўйича дастлабки кузатишлари ҳақида.....	88
------------	--	----

ТЕРМИНОЛОГИЯ ВА ШЕВАШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

А. Примов	Ономастиканинг осмон жисмлари номларини ўрганувчи бўлими ва уни ифодаловчи терминлар ҳақида.....	90
М. Ширинова	Ўзбек тили изоҳли лугатларининг қиёсий статистикаси (“А” ҳарфи бўлими асосида).....	93
Ғ. Исмоилов	Соҳа терминологик тизимларида зоологик терминларнинг транстерминлашуви.....	95
Р. Шаропова	Ижтимоий-сиёсий терминологияда қўшма терминларнинг қўлланиши.....	98
Н. Садинова	Айрим қўшимчаларнинг сўз ясаилишидаги хусусиятлари..	100
Н. Шоимова	Шевалар лексикасидан намуналар (Қашқадарё воҳаси материаллари асосида).....	102
З. Ибрагимова	Қорақалпоғистон ўзбек шеваларида пахтачилик билан боғлиқ лексик қатлам.....	103

шеърлар учраса-да, бироқ ижтимоий ва лирик мавзудаги асарларини деярли кўрмаймиз. Тўғри, бу ижодкорлардан фақат, Мажзуб ва Азимийнинг тўлиқ девонларигина маълум, холос. Лекин, бошқаларининг газал, мухаммас, мусаддас ва ҳикматлари ҳам кўпшаб кўлэзма баёз ва мажмуалар саҳифаларида учрайди. Улар тариқат таълимотларини ўз шеърларида васф этиш билан бирга турли сўфиёна истилоҳлар ва чуқур мазмуний ишоралар ила улуг Яратувчини танитиш мазмунидаги – ирфонни таъриф этадилар. Бу борадаги фикрини Азим Хожа шундай шеърга солади:

Масъалага мувофиқ қилиб бизлар туркийни,
Ёронларга қилурмиз маръизани буркийни...
Адаб билган олимлар, ориф, ошиқ хос куллар,
Ўзларини олмаслар Ҳақ даргоҳ(дан) эркини...

Биз куйида бир масалага диққат этмоқчимиз. Мазкур шоирларнинг асарлари ирфоний мазмун-моҳият ташигандан ташқари, уларнинг матни ўзига хос оҳанг ва услубга эгадир.

Даврнинг машҳур шоири ва шайхи Мажзубнинг бир неча шеърлари, хусусан, соқийномасини мажзубийлар ёд олиб, маҳсус мақом билан ижро этишгани ва жазб хосил қилиб, рақс қилганлари манбаларда таъкидланади.²

Яна бир девоннавис ирфон шоиримиз Азимийнинг девони кўлэзмалари³ билан танишар эканмиз унда ҳам, матн билан боғлиқ, қизиқ бир ҳолатга дуч келидик. Азим Хожа девонидаги кўпгина шеърларнинг айрим мисралари ёнига 2, 3 ёки, иккита 2, ёхуд, иккита 2 ва битта 3 рақамлари (табиийки, араб ёзувида) қўйилган.⁴ Мисол учун:

Эй дарду гаминг ҳосили дунё била уқбо,
На манда гами оламу, на манзилу маъво,-----2
Ўлгунча хазми жонимадур ушбу таманно,
Васлинг тиланиб етгусидур мўмини расво,-----2
Ё Раб, ҳама жисмига бериб дийдаи бийно,
Дил тўрига қилсанг на бўлур лаҳза тажалло...⁵

дея бошланувчи мусаддас бандининг иккинчи ва бешинчи мисралари олдига 2 рақами қўйилган. Бизнингча бу, мазкур мисраларни ўқиётганда икки марта қайтариш кераклигига ишорадир. Бундай қайтариқ ишораси қўйилган Азимий шеърлари эса ўндан зиёд. “Девони Азим”нинг 189 рақамли кўлэзма нусхасида яна 12^б, 26^б, 33^б, 35^б, 39^а, 58^а, 73^б-74^б, 80^а, 92^б, 95^а, 106^а, 110^а, 117^а варақларида, 2563 рақамли нусхада 14, 23, 54, 66, 77, 81, 84-89, 91, 94, 101-103, 114-118, 121, 123, 125, 127, 130-131, 135, 142, 144-145, 154, 158, 161, 165, 172, 174, 190-191, 205-207, 232, 234-239, 243-245 саҳифаларида, 2694 рақамли нусхада 10^б, 12^а-13^а, 21^а, 27^а, 29^б, 31^а, 33^б-35^а, 47^б, 51^а-5^б, 52^б, 56^а, 63^а, 64^а, 68^а, 73^б, 75^а, 76^а, 78^а, 79^б, 83^а, 92^б, 96^а, 97^а, 98^б, 99^б, 101^а, 108^а, 110^а, 119^б варақларда, 6354 рақамли нусхада 95^б, 100^а-6^б варақлардаги шеърларнинг айрим мисралари олдига (2, 3 каби) рақамлар қўйилган. [Афсуски, бу

¹ Девони Азим. ЎзРФА Давлат адабиёт музейи фонди, 189 рақамли кўлэзма, 114^а в.; ЎзРФА ШИ Ҳ. Сулаймон бўлими, 2694 рақамли кўлэзма, 112^б-113^а в.
² Қаранг: Қўрғон тарихи ва унинг адабиёти. 3-д., 20^а сах.; Тазкирани Қайюмий. 1-к., 183-бет.
³ О.Журабоев. Мажзубни биласизми ёхуд мажзубийлик нима?! ЎзА-Стр.25 июнь, 2004 й., №25.

⁴ Ҳозирга қадар унинг ўн кўлэзма нусхасини турли давлат фондлари ва шахсий кутубхоналардан аниқлашга муваффақ бўлдик. Бу ҳақда қаранг: О.Журабоев. Азим Хожа эшон ва унинг девони кўлэзма нусхалари борасида // Адабиёт кўзгуси. №11. –Т., 2009. 18-23-бетлар.
⁵ Биз кўрган Девони Азим кўлэзмаларининг 189, 2563, 2694 ва 6354 рақамли нусхалари.

⁶ Девони Азим. ЎзРФА Давлат адабиёт музейи фонди, 189 рақамли кўлэзма, 6^б в.

кўлэзмаларнинг фақат биттасининг котиби маълум, холос. 1289/1872 йили кўчирилган (2563) бу нусха котиби Мулла Муҳаммад Зариф халифа исмидан ҳам маълум бўладики, у аҳли тариқат, қайсидир хонақоҳ (балки, Азим Хожа эшон силсиласи)га боғлиқ шахсдир.]

Фикримизча, Азим Хожа эшон шеърлари ҳам зикр мажлисларида маҳсус мақом ва оҳанг билан ўқилган. Айнан қайси шеърларга ургу берилиши, ўқиётганда қай мисрага диққат этилиши ва унда оҳанг услубини сақлаш учун кўрсаткич рақамлар қўйилган. Албатта, рақамли ишора ҳамма кўлэзмаларда ҳам айнан бир хил шеърга қўйилган эмас. Лекин, баъзи шеърлардаги ишора бир неча манбада бир хил шеърнинг бир жойига қўйилган. Масалан, “Ё Карим, ё Алим, ё Аллоҳ...” дея бошланувчи муножот-маснавий шундай шеърлардан.¹

Бу тахлит ишораларга кўра қайтариқлар тасодифий бўлмай, маълум мазмуний оҳанг ва услубий меъёрни сақлаш учун қўйилганига асарлар билан чуқурроқ танишиш давомида амин бўлиш мумкин. Айтайлик, “Қил” радибли мусаддаснинг² ҳар банд охиридаги қайтариладиган сўнгги икки мисраси:

...Ўзни ўлгандин илгари ўлган ҳисоб қил,
Мункар-Накир саволига фикри жавоб қил –
1-бандда битта, 2-бандда иккита, 3-бандда учта ва шу тариқа давом этиб 7-бандда етти марта такрорланиши рақам ила ишора қилинган. Ёки,
Ислоҳимни қилсун десанг, пирим қабул,
Кулларига ит бўлгилу, итига қул, -----2
Тариқат алабтурур асли усул -----3
Ариғ адаб бирла этгин пиринг тавоф...³

бандининг шу тарзда ўқилишидан ҳам айнан нимага эътибор берилиб, диққат марказига олиш керак бўлган маъно англашилади. Албатта, бу ўз навбатида муаллиф асари ва унга муносабат масаласига ҳам ойдинлик киритади. Бу каби жиҳатларни янада атрофлича тадқиқ этиш эса бадиий асар моҳияти хусусан, ирфоний мавзудаги асарлар талқинининг тадрижий ҳолатини кўрсатади, деган фикрдамиз.

СОҲИБА УМАРОВА,
Ўзбекистон ДЖТУ тадқиқотчи

СУЙИМА ҒАНИЕВАНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИГА ДОИР

This article is about scientific-critical viewpoint of oriental scholar Suyuma Ganieva, that prepared scientific-critical text of “Madjālis un-nafāis” by Alisher Nevai and specified birth year of the poet Gadoi.

Ўзбек адабиёти намоёндалари, хусусан, Алишер Навоий асарларини тўплаш, урганиш ва нашрга тайёрлаш каби жараёнларда адабиётшунос, шарқшунос ва матншунос Суйима Ғаниеванинг муносиб ўрни бор. С.Ғаниева фаолиятида “Мажлис ун-нафоис”нинг илмий-танқидий матни тайёрланиши алоҳида ўрин

¹ Девони Азим. 2563 рақамли кўлэзма, 23-саҳифа; 2694 рақамли кўлэзма, 12^б-13^а варақ.

² Девони Азим. 189 рақамли кўлэзма, 74^а-75^а варақлар.

³ Девони Азим. 2694 рақамли кўлэзма, 64^а варақ.

⁴ Бу ўринда хонақоҳ ҳофизи ёки зикр мажлиси бошқарувчиси назарда тутилмоқда.

тутади. Хусусан, олиманинг асар 1490-1491 йили ёзилган, 1498 йили эса Алишер Навоийнинг ўзи тазкирани иккинчи марта қайта ишлаб тахрир этган, деган илмий хулосаси ғоят аҳамиятлидир.

1959 йили босмадан чиққан 4 жилдлик “Ўзбек адабиёти” (хрестоматия ўрнида)нинг иккинчи жилдида Алишер Навоий асарлари берилган бўлиб, унда “Хазойин ул-маоний” (“Чор девон”)дан Х.Сулаймонов, “Лисон ут-тайр”дан А.Ҳайитметов, “Мажолис ун-нафоис”дан С.Ғаниева ва қолган барча асарларидан парчаларни П.Шамсиев тайёрлаган¹. “Мажолис ун-нафоис”дан Мавлоно Соғарий, Шайх Камол Турбатий, Мавлоно Муҳаммад Муаммой, Мавлоно Лутфий, Мавлоно Абдурахмон Жомий, Амир Шайхим Сухайлий каби шоирлардан йигирматаси ҳақидаги маълумотлар танланган.

С.Ғаниева илмий фаолиятидаги тадқиқотлар фақат Алишер Навоий асарлари билан чегараланиб қолмайди. Жумладан, олима “Ўзбек адабиёти” учун Мужрим Обид, Убайдий, Бақоий, Азизий, Фазлий, Восифий каби шоирлар ижодидан намуналар жамлаган эди. 1966 йили тўрт жилдликка илова тарзида 5-жилди алоҳида икки китоб тарзида босмадан чиқади. Олима 5-жилднинг биринчи қисмига Гадоийнинг бир мустазодини ва газалларидан намуналар тайёрлаган². Маълум вақт Гадоий асарлари номаълум бўлиб, тўлиқ тадқиқ этилмаган эди. Туркияда чиқадиган “Турк тили ва адабиёти” (1961 йил, 10-сон) журнали шоирнинг XVI аср бошларида кўчирилган ва Париж “Миллий кутубхона”сида сақланаётган девонини эълон қилади. Бу ҳодиса Гадоий ҳаёти ва ижодини биринчилардан бўлиб ўрганган олима тадқиқларига туртки бўлди³. С.Ғаниева Гадоий шеърларидан намуналарни алоҳида китоб тарзида босмага тайёрлайди⁴. “Бу ишга дастлаб қўл урган тадқиқотчилардан Я.Экман, С.Ғаниева, Э.Рустамовларнинг Гадоийни фан оламига, илмга олиб киришдаги хизматлари эътиборга лойиқдир...”⁵. Шу билан бирга, С.Ғаниеванинг Гадоий ҳаёти ва адабий мероси хусусидаги қарашлари ҳам фанда алоҳида аҳамиятга эга.

Гадоий девонида газал, мустазод билан бирга бир қасидаси ҳам берилган бўлиб, матни тўлиқ бўлмаганлиги учун қасиданинг қимга бағишланганлиги ҳақида мулоҳазали фикрлар билдирилган. Адабиётшунос олим Э.Рустамов Гадоий Абдулқосим Бобур саройида хизмат қилган даврда 97 ёшга кирган бўлса керак, Гадоий қасидаси Темурнинг набираси Халил Султонга бағишланган ва қасида ёзилган пайтда Гадоий йигирма ёшдан ошган деган хулосага келади⁶. С.Ғаниева эса Э.Рустамовнинг Гадоий туғилган йил ва қасида бағишланган шахс ҳақидаги фикрларини асоссиз деб билади. Ушбу тарихий маълумотни манбалар асосида чуқур ўрганган олима Гадоий 806/1403-1404 йили туғилган, қасидасини Темурнинг набираси, яъни Мироншоҳнинг ўғли Халил Султонга эмас, балки Шоҳруҳнинг набираси (қизининг ўғли) Халил Султон ибни Муҳаммад Султон ибни Жаҳонگیر ибни Темур Курагонга бағишлаб ёзган, қасида ёзилган пайтда Гадоий тахминан 50 ёшларда бўлган, “Мажолис ун-нафоис” ёзилаётган вақтда (896/1490-1491 йили) шоир 90 ёшлардан ошган эди, деган тўғри хулосага келади. Гадоий девони

¹ Қаранг. Ўзбек адабиёти. 4-томлик, 2-том. –Т., 1959. –Б.5.

² Ўзбек адабиёти. 5-жилд, 1-китоб. –Т., 1966.

³ С.Ғаниева. Шоир Гадоий // Ўзбекистон маданияти, 1962, 1 сентябр.

Гадоий: Сўнгсўз. Ўзбек адабиёти. 4-томликка илова, 5-том, 1-китоб. –Т., 1966.

⁴ Суйима Ғаниева. Шоир Гадоий: сўз боши. Гадоий. Шеърлар. –Т., 1965. –Б.3-8.

⁵ Э. Ахмадхўжаев. Гадоий. Ҳаёти ва ижодий мероси. –Т., 1978. –Б.32.

⁶ Э.Рустамов. Гадоийнинг бир қасидаси ва “Мажолис ун-нафоис”нинг ёзилган тарихи.

Ўзбек тили ва адабиёти, 1967, 2-сон. –Б.36-41.

қўлэмасини ўрганган олим Э.Ахмадхўжаев турк олими Я.Экман ҳам С.Ғаниеванинг бу илмий қарашини тасдиқлашини ёзиб шундай хулоса билдирган: “Я.Экман билан С.Ғаниеванинг “Мажолис ун-нафоис”нинг ёзилган санаси, Гадоийнинг туғилган йили, шоир қасидаси бағишланган шахс ҳақидаги хулосалари бир-бирига яқин бўлиб, уларда Гадоийнинг туғилган йили тўғри аниқланган”¹. С.Ғаниева ўз фикрини “Мажолис ун-нафоис”нинг ёзилган ва қайта тахрир этилган даври ҳамда Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаа саъдайн ва мажмаи баҳрайн” тарихий асаридagi маълумотларга кўра исботлайди. Тазкиранинг қўлэма нусхаларини ўрганиш давомида олима унинг икки хил варианты борлигини аниқлаган. У асарнинг иккинчи тахририни котиб эмас, Навоийнинг ўзи амалга оширган ва тазкирага кейин киритилган шоирлар асарнинг охирига ёки дуч келган жойига эмас, балки тазкиранавис талаби билан мажлисларга жойлаштирилганлигини қайд этади. Тарихий маълумотларга эътибор қаратган С.Ғаниева илмий мушоҳадасини тасдиқлаб аниқ манбани келтиради.

Олима томонидан аниқланган Гадоий ҳақидаги илмий шарҳ ўз моҳиятини сақлаган ва бугунги илмий-тадқиқотлар учун таянч манба сифатида эътиборга лойиқдир. Адабиётшуноснинг илмий ишлари нафақат мамлакатимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам маълум. 1962 йили Берлинда Ирмгард Энгелке томонидан нашрга тайёрланган “Мажолис ун-нафоис”нинг немисча матни тазкиранинг 1961 йилги Ўзбек тилидаги илмий-танқидий матни асосида чоп этилган². 1968 йили Кобулда Муҳаммад Яъқуб Воҳидий Жузжоний томонидан тайёрланган “Девони Султон Хусайн мирзо” китобида ҳам “Мажолис ун-нафоис”нинг илмий-танқидий матнидаги 8-мажлиси тўлалигича берилган³. Турк адабиётшуноси Камол Эраслон “Мажолис ун-нафоис”нинг сўзбошида С.Ғаниеванинг Навоий тазкирани 1491 йили ёзиб, 1498 йили қайта тўлдирган деган илмий хулосасини қувватлайди⁴.

Ўзбек адабиётшуносларининг илмий тадқиқотлари махсус ўрганилаётган бўлса-да, илмий-оммавий нашр ва илмий-танқидий матн тузиш ишларини махсус тадқиқ этиш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. Шу жиҳатдан, Суйима Ғаниева тадқиқотларида кўтарилган масалаларни махсус ўрганиш, матншунослик ва манбашунослик фаолиятини монографик тарзда ёритиш муҳимдир.

ЖАЛОЛИДДИН ЖҶРАЕВ,

ЎЗР ФА Давлат адабиёт музейи, ф.ф.н.

“ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ” ДРАМАСИНИНГ МУКАММАЛ МАТНИНИ ТИКЛАШ ЙЎЛИДА

In the article it was textological researched the recovering of Maqsud Shayxzoda's play "Jaloliddin Manguberdi" on the basis of autograph copy of the play.

¹ Э. Ахмадхўжаев. Гадоий. Ҳаёти ва ижодий мероси. –Т., 1978. –Б.41.

² В.Носов. Дўстлик натижасида туғилган кашфiet. Қизил Ўзбекистон, 1963 йил, 24 январь.

³ Девони Султон Хусайн мирзо. Нашга тайёрловчи Муҳаммад Яъқуб Ваҳидий Журжоний. –Кобул: Давлат илмий нашриёти, 1968. –Б.3-46.

⁴ Ali-sir Nevayi Mecalisu'n -nefayis. (Giris ve Metin). 1-kitab. Hazirlayan Prof.Dr.Kemal Eraslan. -Ankara,Turk dil Kurumu Yayinlari, 2001. -S. 104.